



ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

12-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

Nº 12 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

TOSHKENT-2024

BOSH MUHARRIR:

Isanova Feruza Tulqinovna

TAHRIR HAY'ATI:

07.00.00-TARIX FANLARI:

Yuldashev Anvar Ergashevich – tarix fanlari doktori, siyosiy fanlar nomzodi, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Mavlanov Uktam Maxmasabirovich – tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Xazratkulov Abror – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.

Tursunov Ravshan Normuratovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Xolikulov Axmadjon Boymahamatovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Gabrielyan Sofya Ivanovna – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Milliy Universiteti.

Saidov Sarvar Atabullo o'g'li – katta ilmiy hodim, Imam Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy tadqiqotlar bo'limi.

08.00.00-IQTISODIYOT FANLARI:

Karlibayeva Raya Xojabayevna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Nasirxodjayeva Dilafruz Sabitxanova – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent moliya instituti; Arabov Nurali Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Azizov Sherzod O'ktamovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Bojxona instituti;

Xojayev Azizzon Saidaloxonovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Farg'ona politexnika instituti

Xolov Aktam Xatamovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Shadiyeva Dildora Xamidovna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b, Toshkent moliya instituti;

Shakarov Qulmat Ashirovich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

09.00.00-FALSAFA FANLARI:

Hakimov Nazar Hakimovich – falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Yaxshilikov Jo'raboy – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

G'aybullayev Otabek Muhammadiyevich – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Saidova Kamola Uskanbayevna – falsafa fanlari doktori, "Tashkent International University of Education" xalqaro universiteti;

Hoshimxonov Mo'min – falsafa fanlari doktori, dotsent, Jizzax pedagogika instituti;

O'rroqova Oysuluv Jamoliddinovna – falsafa fanlari doktori, dotsent, Andijon davlat tibbiyot instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi mudiri;

Nosirxodjayeva Gulnora Abdukaxkarovna – falsafa fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Turdiyev Bexruz Sobirovich – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Buxoro davlat universiteti.

10.00.00-FILOLOGIYA FANLARI:

Axmedov Oybek Saporbayevich – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ko'chimov Shuxrat Norqizilovich – filologiya fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hasanov Shavkat Ahadovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Baxronova Dilrabo Keldiyorovna – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Mirsanov G'aybullo Qulmurodovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Salaxutdinova Musharraf Isamutdinovna – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Samarqand davlat universiteti;

Kuchkarov Raxman Urmanovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent v/b, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yunusov Mansur Abdullayevich – filologiya fanlari nomzodi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Saidov Ulugbek Aripovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi.

12.00.00-YURIDIK FANLAR:

Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Esanova Zamira Normurotovna – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yurist, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hamroqulov Bahodir Mamasharifovich – yuridik fanlar doktori, professor v.b., Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti;

Zulfiqorov Sherzod Xurramovich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti;

Xayitov Xushvaqt Saparbayevich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Asadov Shavkat G'aybullayevich – yuridik fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Ergashev Ikrom Abdurasulovich – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Utemuratov Maxmut Ajimuratovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Saydullayev Shaxzod Alixanovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hakimov Komil Baxtiyarovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yusupov Sardorbek Baxodirovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Amirov Zafar Aktamovich – yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), O'zbekiston Respublikasi

Sudyalar oliv kengashi huzuridagi Sudyalar oliv maktabi;

Jo'rayev Sherzod Yuldashevich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Babadjanov Atabek Davronbekovich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Rahmatov Elyor Jumaboyevich - yuridik fanlar nomzodi, Toshkent davlat yuridik universiteti;

13.00.00-PEDAGOGIKA FANLARI:

Xashimova Dildarxon Urinboyevna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Ibragimova Gulnora Xavazmatovna – pyedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Zakirova Feruza Maxmudovna – pedagogika fanlari doktori, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi;

Kayumova Nasiba Ashurovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Qarshi davlat universiteti;

Taylanova Shoxida Zayniyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent;

Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ibraximov Sanjar Urunbayevich – pedagogika fanlari doktori, Iqtisodiyot va pedagogika universiteti;

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti;

Bobomurotova Latofat Elmurodovna - pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti.

19.00.00-PSIXOLOGIYA FANLARI:

Karimova Vasila Mamanosirovna – psixologiya fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Hayitov Oybek Eshboyevich – Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti, psixologiya fanlari doktori, professor

Umarova Navbahor Shokirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Amaliy psixologiyasi kafedrasi mudiri;

Atabayeva Nargis Batirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Shamshetova Anjim Karamaddinovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Qodirov Obid Safarovich – psixologiya fanlari doktori (PhD), Samarkand viloyat IIB Tibbiyot bo'limi psixologik xizmat boshlig'i.

22.00.00-SOTSILOGIYA FANLARI:

Latipova Nodira Muxtarjanovna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri;

Seitov Azamat Po'latovich – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston milliy universiteti; Sodiqova Shohida Marxaboyevna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.

23.00.00-SIYOSIY FANLAR

Nazarov Nasriddin Ataqulovich –siyosiy fanlar doktori, falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent arxitektura qurilish instituti;

Bo'tayev Usmonjon Xayrullayevich –siyosiy fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri.

OAK Ro'yxati

Mazkur jurnal Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022-yil 30-noyabrdagi 327/5-son qarori bilan tarix, iqtisodiyot, falsafa, filologiya, yuridik va pedagogika fanlari bo'yicha ilmiy darajalar bo'yicha dissertatsiyalar asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning
dolzARB muammolari**” elektron jurnali
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli
guvohnoma bilan davlat ro'yxatiga
olingan.

Muassis: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
mas'uliyati cheklangan jamiyati

Tahririyat manzili:

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog'och ko'chasi,
70/10-uy. Elektron manzil:
scienceproblems.uz@gmail.com

Bog'lanish uchun telefonlar:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Turg'unov Sherzod Abduvositovich</i>	
FARG'ONA VILOYATI SANOAT KORXONALARINING MODDIY-TEXNIK HOLATI VA ULARNING SANOAT ISHCHILARINING MEHNAT MUHOFAZASIDAGI AHAMIYATI HAQIDA AYRIM FIKR MULOHAZALAR (Farg'ona viloyatida 1950-1970-yillarda chop etilgan vaqtli matbuot nashrlarida e'lon qilingan maqolalar tahlili asosida)	13-19
<i>Qalandarov Hamza Hamroqul o'g'li</i>	
SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN ATEISTIK SIYOSATI VA XUDOSIZLAR JAMIYATI FAOLIYATI	20-23
<i>Berdiyev Abduvali Abdug'aniyevich</i>	
XVIII-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGINING ERON VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IJTIMOIY ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR	24-32
<i>Сойиб Раупов</i>	
KAMBAFAALLIK VA UNI ҚИСҚАРТИРИШ MUAMMOLARI	33-42
<i>Abdimo'minov Oybek Bektemirovich</i>	
MARKAZIY OSIYO MINTAQASIGA ILMIY QARASHLAR VA KONSEPTUAL MASALALARNING AYRIM JIHATLARI	43-48
<i>Toshpulatov Nurbek Boboqul o'g'li</i>	
XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATI BOZORLARI VA KARVONSAROYLARI TARIXI	49-53
<i>Temirova Munira</i>	
ESKI TERMIZ SIMOBKO'ZACHALARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR	54-58
<i>Sattorova Shahlo</i>	
SHAYBONIYLAR DAVRIDA JO'YBOR XO'JALARINING BUNYODKORLIK FAOLIYATI	59-63

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Yazdonova Saxiba Kurbanovna</i>	
KIBERMAKON: TA'LIM, TARBIYA VA IQTISODIY TA'SIR TENDENSIYALARI	64-72
<i>Таниев Аҳмаджон Баҳромовиҷ</i>	
ТУРИЗМ, ГЛОБАЛЛАШУВ ВА САВДО: УЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ	73-82
<i>Ходжсаниязов Элбек Сардорович</i>	
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ	83-93
<i>Raximov Baxromjon Ibroximovich, Ibrohimova Maqsuda Muhammadjon qizi</i>	
O'ZBEK SANOATINING INNOVATSION TARAQQIYOTI VA IQTISODIY O'SISHDAGI ROLI	94-99
<i>Ahmedov Adham Djalolovich</i>	
AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASHDA FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARI FAOLIYATINI SAMARALI TASHKIL ETISH	100-105
<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i>	
QURILISH KORXONALARI DEBITORLIK VA KREDITORLIK QARZLARINI HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH	106-112

<i>Abdurahmanov Muxtora</i> ХУДУДИЙ КЛАСТЕРНИ ШАКЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	113-116
<i>Poshokulova Mohigul</i> BILIMLAR IQTISODIYOTINING ZAMONAVIY SHAKLLARI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA	117-122
<i>Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li</i> INNOVATSION TEKNOLOGIYALARNI QO'LLASH ORQALI KORXONANING IQTISODIY XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH: YANGI IMKONIYATLAR VA TAHDIDLAR	123-131
<i>Sayfutdinova Nigina Furkatovna</i> O'ZBEKİSTONDA INNOVATSIYALARНИ RIVOJLANTIRISH ASOSIY AHAMIYATLARI	132-135
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Shakarov Oybek Xudoyberdi o'g'li</i> O'ZBEK XALQI ETOSFERASIDA KORRUPSION MUNOSABATLAR PAYDO BO'LISH SABABLARINING FALSAFIY TAHLILI	136-139
<i>Жўрамуродов Нодир Гайбуллаевич</i> ЖАДИДЛАР ФАЛСАФАСИДА МИЛЛИЙ ФОЯ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	140-144
<i>Sayidova Muhabbat G'afforovna</i> GLOBAL AXBOROTLASHUV TENDENSIYALARINING MILLIY VA MA'NAVIY QADRIYATLARGA TA'SIRI	145-149
<i>Kuraxmedov Azamat Erkinovich</i> SAMARQAND JADIDCHILARINING TURKISTON MA'RIFATPARVARLIK FALSAFASI RIVOJIDA TUTGAN O'RNI	150-153
<i>Umarova Feruza Rozibayevna</i> O'ZBEK XALQI MA'NAVIY MADANIYATI RIVOJLANISHINING ASOSIY XUSUSIYATLARI	154-156
<i>Samijonov Azizbek Ismoiljon o'g'li</i> KIBERXAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING FALSAFIY-KONSEPTUAL TAHLILI	157-161
<i>Begbudieva Parvina Shoxruxovna</i> THE CONTRIBUTION OF MAHMUDHODJA BEHBUDI TO THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF EDUCATION SYSTEM OF TURKESTAN	162-166
<i>Aytbayev Mansurbek Yusupovich</i> МАHMUD AZ-ZAMAXSHARIY AQL-ZAKOVAT TO'G'RISIDA	167-173
<i>Muslimov Sherzod Akbarovich</i> ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MA'NAVIY MEROSI: JAMIYAT, SIYOSAT VA SHE'RIYAT	174-178
<i>Jantayev Maqsud Ibragimovich</i> MUHAMMAD AL-XORAZMIY: MATEMATIKADAN FALSAFAGACHA BO'LGAN ILMIY IZLANISHLAR	179-184
<i>Norova Malika Fayzulloyevna</i> TASAVVUF TA'LIMOTI VA UNING SAYFIDDIN BOXARZIY DUNYOQARASHIGA TA'SIRI	185-191

<i>Gulova Anorgul Axtamovna</i>	
O'ZBEKISTONDA ALISHER NAVOIY ASARLARIKA BO'LGAN MUNOSABAT	192-196
<i>Absattorov Baxtiyor Mamarasulovich, Karimova Gulchehra Abdukarimovna</i>	
BURCH VA MAS'ULIYAT TUSHUNCHALARINING TARIXIY-NAZARIY, AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY TALQINI	197-205
<i>Berdikulov Chingiz Dusmuradovich</i>	
IJTIMOIY MULOQOT-SHAXS INTELLEKTUAL MADANIYATINING SHAKLLANISH OMILI	206-211
<i>Mamarasulov Baxriddin Shakasimovich</i>	
MILLIY-MA'NAVIY YUKSALISH – MAMLAKATIMIZ MA'NAVIY TARBIYA TIZIMINING YANGI STRATEGIYASI SIFATIDA	212-216
<i>Nurmatov Kamaridin Shamsiyevich</i>	
JAMIyat TARAQQIYOTIDA ADOLAT TUSHUNCHASINING O'RNI	217-221
<i>Bekpo'latov Ulug'bek Rahmatulla o'g'li</i>	
JAMIyat TARAQQIYOTIDA SIMMETRIYA VA ASIMMETRIYA BIRLIGINI TA'MINLASHNING DIALEKTIK TAHLILI	222-228
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
<i>Бердиева Мукаррама Анваровна, Чернова Наталья Васильевна</i>	
СТРАТЕГИИ ЛИНГВОМЕТОДИЧЕСКОГО ПОДХОДА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ	229-234
<i>Жамаҳматов Каромиддин Айнилло ўғли</i>	
БУРХОНИДДИН ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРГА ТАЪСИРИ	235-243
<i>Temirova Aziza Muzaffarovna, Uralova Oysuluv Poyan qizi</i>	
ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA "КО'К" SIFAT BELGISINING SEMANTIK XUSUSIYATLARINING TADQIQI	244-247
<i>Mansurova Mohinur Akmal qizi</i>	
HAJVIY TAFAKKUR TABIATI – SATIRA VA YUMOR TUSHUNCHASI	248-252
<i>Яркулова Фотима Усмановна, Исломова Марьям</i>	
ИМЕННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ В ПОВЕСТЯХ И.С.ТУРГЕНОВА	253-257
<i>Murodova Muqadas Ikromovna</i>	
XX ASR INGLIZ VA O'ZBEK ADABIYOTIDA YARATILGAN SATIRIK ASARLAR TADQIQI	258-263
<i>Ruzmatova Gulnara Kulmamatovna</i>	
O'ZBEK ADABIYOTIDA LATIFA JANRI TARAQQIYOTI VA TAHLLILI	264-268
<i>Davronov Shekroz Abrorovich</i>	
OG'ZAKI TARJIMA VA UNDA KOMPRESSIYANING ROLI	269-273
<i>Begmatov Azizbek Tursunbayevich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI ONOMASTIK BIRLIKLER TADQIQI	274-280
<i>Ibragimova Moxiraxon Anvarovna</i>	
NUTQIY AKTLAR TASNIFI	281-285
<i>Расулова Истода Абдулатифовна</i>	
К ПРОБЛЕМЕ ДЕФИНИЦИИ ЯЗЫКОВЫХ УНИВЕРСАЛИЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ ИНВАРИАНТНЫХ СВОЙСТВ В КОНТЕКСТЕ ЯЗЫКОВОЙ ВАРИАТИВНОСТИ	286-293

<i>Obidova Go'zalxon Ma'rufjon qizi</i>	
O'ZBEK TILIDA OMAD VA OMADSIZLIKNI NOMLOVCHI LEKSIK VA FRAZEOLOGIK BIRLIKAR	294-299
<i>Furkatova Maxliyo To'lqin qizi</i>	
O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI SHAXS-SON KATEGORIYASI	300-309
<i>Baxramov Xabibillo Sadikovich</i>	
INGLIZ TILIDA "POISON-ZAHAR" KONSEPTINING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	310-315
<i>Tухтаев Сирожиддин Тошпўлатович</i>	
ПАРЕМИОЛОГИЯДА САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	316-323
<i>Qiyomov Shohabbosxon Sharofiddin o'g'li</i>	
XATTOTLIK SAN'ATINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI	324-327
<i>Sobirjonova Muxlisa Sobirjonovna</i>	
YOLG'IZLIK FENOMENINING PSIXOLOGIK, IJTIMOIY VA EKZISTENSIAL ASPEKTLARI	328-331
<i>Qayumova Mohinur Murodullayevna</i>	
LEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT «STEP» IN THE ENGLISH LANGUAGE	332-337
<i>Sayipova Dilafruz Rahimovna</i>	
O'ZBEK NASRI TARAQQIYOTIDA "BOBURNOMA"NING AHAMIYATI	338-342
<i>Diyarov Akmal To'lqin o'g'li</i>	
INGLIZ TILIDAGI BOG'DORCHILIK TERMINLARINING GENETIK-ETIMOLOGIK TAVSIFI	343-348
<i>Аманазарова Шохида Бахрамовна</i>	
РЕКЛАМАДА ИЛЛОКУЦИЯ ВА ПЕРЛОКУЦИЯНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА БИЛБОРДЛАРНИ АҲАМИЯТИ (РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ МИСОЛИДА)	349-353
<i>Mamadqulova Kamila Abduxoliquovna</i>	
ANCIENT EGYPTIAN LITERATURE: THE OLD, MIDDLE AND NEW KINGDOMS	354-364
<i>Alimova Dilrabo</i>	
SHARQ ADABIYOTIDA QASIDANING TARIXIY TAKOMILI	365-373
<i>Abduqaxxorova Nargiza Rustamovna</i>	
RUS VA O'ZBEK TILLARIDAGI TOPISHMOQLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI	374-379
<i>Курбонова Нодира Розиковна, Пулатова Сабина Шарифовна</i>	
ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ ТЕМЫ УТРАЧЕННОЙ РОДИНЫ В РОМАНЕ ВЛАДИМИРА НАБОКОВА «МАШЕНЬКА»	380-390
<i>Khamidov Tohirjon Olmos ogli</i>	
ANALYSIS OF TYPES OF ENGLISH PHRASAL VERBS ACCORDING TO THE STRUCTURE	391-396
<i>Umurzakova Kommina Xursanovna</i>	
O'ZBEKİSTON İJTİMOİY TARMOQLARIDA YOSHLAR NUTQİDAGI O'ZGARISHNING TA'LIM JARAYONIGA TA'SIRI	397-402
<i>Habibullayeva Shoira Shukurillayevna</i>	
ONA TİLİ DARSIDA GAP BO'LAKLARI VA ULARNI TAHLİL QILISH METODİKASI	403-406

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Imomov Nurillo Fayzullayevich</i>	
ТА'MINLOVCHI TO'LOV – MAJBURIYATLARNI TA'MINLASHNING	
YANGI USULI SIFATIDA	407-414
<i>Салаев Нодирбек Сапарбаевич</i>	
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ: МОҲИЯТИ,	
ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	415-431
<i>Ходжисев Юнус Мухитдинович</i>	
МУЛК ҲУҚУҚИ БЕКОР БЎЛИШИНинг ШАХС ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН	
АСОСЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ	432-436
<i>Сайдивалиева Хуршида</i>	
БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА БЕРИШ ЮЗАСИДАН ВУЖУДГА КЕЛУВЧИ	
МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ	
МАСАЛАЛАРИ	437-445
<i>Miqutov Bobur</i>	
THE LEGAL NATURE OF E-COMMERCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	446-451
<i>Raimova Nargiza Doroyevna, To'ychiyeva Bahora Otabekovna</i>	
PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS	452-459
<i>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</i>	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ	
ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
ИСТИҚБОЛЛАРИ	460-468
<i>Toshkanov Nurbek Bahriddinovich</i>	
UNDIRUVNI INTELLEKTUAL MULK OBYEKTLARIGA BO'LGAN HUQUQLARGA QARATISHNING	
AYRIM FUQAROLIK-HUQUQIY MASALALARI	469-478
<i>Kubaeva Ismigul Farxod qizi</i>	
CHALLENGES OF BLOCKCHAIN TO LAW AND STATE	479-484
<i>Юсупов Ўктамбай Абсаматович</i>	
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ	
КУРАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	
ИСТИҚБОЛЛАРИ	485-491
<i>Баходирова Сабина Улугбек кизи</i>	
РОЛЬ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ УМЫШЛЕННОГО ТЯЖКОГО ТЕЛЕСНОГО	
ПОВРЕЖДЕНИЯ	492-503
<i>Эгамбердиев Ферузбек Аскаржон угли</i>	
НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТИТУТА ХОДАТАЙСТВ КАК СПОСОБ	
ЗАЩИТЫ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НА ДОСУДЕБНОМ ЭТАПЕ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА	
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	504-508
<i>Ibrohimov Behzodbek Bahromjon o'g'li</i>	
O'ZBEKİSTONDA MOLİYAVİY HUQUQIY MUNOSABATLAR ASOSI VA AHAMIYATI	509-520
<i>To'ychiyeva Bahora Otabekovna, Raimova Nargiza Doroyevna</i>	
PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL	
NETWORKS	521-528

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Ibraximov Sanjar Urumbayevich</i> SPORT MASHG'ULOT JARAYONINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO'LLARI VA TAMOYILLARI	529-539
<i>Urazkulova Anna Vitalyevna</i> OLIY TA'LIMDA RUS TILI FANINI O'QITISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING TOPSHIRIQLARINI ILMIY-PEDAGOGIK AHAMIYATI	540-545
<i>Қаршиева Дилбар Эшулатовна</i> ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛарни ШАКЛЛАНИШИДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ	546-550
<i>Ajiyeva Muxabbat Baxtibayevna</i> KIMYO FANI BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI FANLARARO INTEGRATSIYA ASOSIDA TASHKIL ETISH	551-555
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboevna</i> O'QITUVCHILARNI KASBIY RIVOJLANTIRISHDA QIYOSIY TAHLIL: JARAYON VA FAOLIYATLI YONDASHUV	556-564
<i>Radjabova Gulnoza Giyosiddinovna</i> SHIFTING THE FOCUS OF CORPUS LINGUISTICS FROM RESEARCH TO CLASSROOM PRACTICE	565-570
<i>Акрамова Умеда Салиевна</i> ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИКТ ДЛЯ УЧАЩИХСЯ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОВЫМ ФОНОМ	571-582
<i>Abdusattarova Zaynab Abdujalil qizi</i> MATEMATIKA FANINI LOYIHAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYASI ORQALI O'QITISH ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA XXI ASR KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI	583-590
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i> SHAXMAT O'YINI ORQALI BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI	591-595
<i>To'xtayev Hasan Tosho'lalovich</i> ZAMONAVIY MAKTAB O'QUVCHILARINI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA KOGNITIV- PSIXOLOGIK TO'SIQLARNING TA'SIRI	596-599
<i>Yaqubov Fazliddin Muxitdinovich</i> JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARI KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING MEXANIZMLARINI TAKOMILLAHTIRISH	600-607
<i>Rahimova Dilshoda Baxriddinovna, Turatosheva Sadoqat Raxmatullayevna</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH (SOTSILOGIK TAHLIL)	608-615
<i>Мадаминова Наргизахон Жахонгир қизи</i> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МОСЛАШТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ	616-619
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA TEXNIKA OLIY TA'LIM SOHASI MUTAXASSISLARDA KASBIY-IJODIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI	620-626

<i>Aliyeva Iroda Otabek qizi</i>	
МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМГА XORIJ TAJRIBASINI QO'LLASH BO'YICHA MAVJUD TA'LIM TALABLARINING TASNIFI YUZASIDAN TAHLILLAR	627-631
<i>Ro'zimurodov Ilyos Azamat o'g'li</i>	
О'RTA ASRLAR MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARINING CHOLG'USHUNOSLIKKA OID NAZARIYALARI: ABU NASR FOROBIYNING MUSIQIY TADQIQOTLARI	632-636
<i>Yaxshiboyeva Shahnoza Bahodir qizi</i>	
JAHON AXBOROT RESURSLARI ORQALI TALABALARING TADQIQOTCHILIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK ASOSLARI	637-642
<i>Салиев Улугбек, Салиева Нигора</i>	
ОБЩЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО РАБОТНИКА: РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ В ПРАКТИКЕ	643-648
<i>Маматкулова Угилжон Эшмирза кизи, Абдуллаева Дилбар Алимбаевна</i>	
МЕТОДИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИОННАЯ ПЛАТФОРМА ДЛЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА, ИЗУЧАЮЩИХ АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК, И ПУТИ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ	649-655
<i>Муминова Офтобхон Каримовна</i>	
ИСТОРИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНЕ: ОТ АНТИЧНОСТИ ДО СОВРЕМЕННЫХ ТЕРМИНОВ	656-661
<i>Ахмедова Уктамхон</i>	
РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАНЯТИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ	662-667
<i>Sattarova Markhabo Raxmonkulovna</i>	
TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH	668-672
<i>Nuriddinova Robiya Bekjonaliyevna</i>	
МАКТАБГАЧА VA BOSHLANG'ICH TA'LIMDA MATEMATIKA MASHG'ULOTLARINING UZVIYLIGINI TA'MINLASH YO'NALISHLARI	673-678

Received: 30 November 2024

Accepted: 5 December 2024

Published: 15 December 2024

Article / Original Paper

DECRIMINALIZATION IN CRIMINAL LAW: SOME IDEAS ABOUT CONCEPT, TYPES, AND SIGNIFICANCE

Salaev Nodirbek Saparbaevich,

Professor at Tashkent State University of Law, Doctor of Law

E-mail: salaev.nodirbek@gmail.com

Abstract. This article explores the concept of decriminalization in criminal law, focusing on its essence, types, and significance. It examines the relationship and distinctions between decriminalization and depenalization, analyzing the perspectives of experts who have conducted research in this area. Furthermore, the article delves into the issues of decriminalizing certain articles in the Special Part of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Based on an in-depth analysis of existing practices, it provides theoretical insights into specific directions and opportunities for decriminalization.

Keywords: criminal law, act, crime, liability, punishment, criminalization, decriminalization, penalization, depenalization, administrative prejudice.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Салаев Нодирбек Сапарбаевич,

ТДЮУ профессори, ю.ф.д.

Аннотация. Мазкур мақолада жиноят ҳуқуқида қилмишни декриминализация қилиш тушунчаси, унинг моҳияти, турлари ва аҳамияти хусусида мулоҳаза юритилади. Хусусан, декриминализация ва депенализация ўртасидаги ўзаро муносабат ва уларнинг фарқлари, бу борада соҳада тадқиқот олиб борган мутахассисларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмидаги айрим моддаларни декриминализация қилиш масалалари, ушбу соҳадаги мавжуд амалиётни чуқур таҳлил қилган ҳолда назарий жиҳатдан, қилмишларни декриминализация қилиш бўйича аниқ йўналишлар ва имкониятлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: жиноят қонуни, қилмиш, жиноят, жавобгарлик, жазо, криминализация, декриминализация, пенализация, депенализация, маъмурий преюдиция.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I12Y2024N60>

Маълумки, романо-герман ҳуқуқий оиласига мансуб давлатларда жиноят ҳуқуқининг асосини жиноят қонуни ташкил этади. Давлат ижтимоий муносабатларнинг муайян турларини жиноят қонунида тақиқлаш (моҳиятан ҳимоя қилиш), мажбурият юклаш, рағбатлантириш орқали инсон хулқ-атворининг алоҳида кўринишларига ўзининг баҳосини беради. Қонун чиқарувчи алоҳида қилмишларни шахс, жамият, давлат учун хавфли, деб топади ва уларни криминализация қилади, яъни уларни жиноят деб эътироф этади ёки аксинча, муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга эмаслиги аниқлангач эса, декриминализация қилади.

Декриминализация қилмишнинг жинойлигини, яъни қилмишга нисбатан белгиланган жиноий жавобгарликнинг бекор қилинишдир. Декриминализация атамаси бир қарашда ушбу маънони англатса-да, унинг асл мазмун-моҳиятини мазкур жумла билан тўлиқ ифодалаб бўлмайди. Бу тушунча кенг қамровли бўлиб, ўзида мураккаб ижтимоий-хуқуқий жараённи акс эттирувчи инсонпарварлик, адолат принципларини, давлатнинг ўз фуқаролари тақдирига бефарқ эмаслиги, жиноятчиликка ва жамиятдаги турли иллатларга қарши курашда репрессив усуllibардан кўра анча самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан арzonроқ бўлган жамоатчилик назорати усуllibарига кенгроқ йўл очиб бериш кабиларни намоён этади [1].

Криминализация ва декриминализацияга берилган ушбу таъриф умумий бўлиб, Ф.Ражабов айтганидек, доимо мазкур тушунчаларнинг мазмунини тўла ва аниқ ифодалаб бера олмайди. Юридик адабиётларда криминализация ва декриминализацияга турли таърифлар берилган бўлиб, ушбу таърифларни таснифлашда Л.М.Прозументов ва А.В.Шеслернинг нуқтаи назарини эслаб ўтиш ўринли бўлади[2]. Мазкур асарда кўриб чиқилаётган тушунчаларга иккита асосий ёндашув мавжудлиги ажратиб кўрсатилган.

Биринчи ёндашув, қилмишни криминализация ва декриминализация қилишни кенг маънода тушуниш билан боғлиқ бўлиб, бунда, Р.Р. Галиакбаровнинг қуйидаги фикри мисол қилиб келтирилади. “Криминализация деганда, нафақат қонунда жиноятлар янги таркиблари муайян белгиларининг мустаҳкамланишини, шунингдек, мавжуд жиноят таркиблари санкциялар учун назарда тутилган юқори чегарасининг ўсишини, айрим турдаги судланганларга нисбатан жазодан озод қилиш институтининг қўлланиши бўйича алоҳида чекловлар, субъектлар учун янада кенгроқ доирадаги ноxуш хуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи умумий хусусият касб этувчи нормаларни ишлаб чиқилиши тушунилади[3].

В.Н.Кудрявцевнинг фикрича, “криминализациянинг таркибий қисми пенализация ҳисобланиб, у ўзида жиноят, деб тан олинган қилмишларга нисбатан жиноий жазо белгиланишини ифода этади”[4]. Пенализация даражаси моҳиятан у ёки бу қилмиш криминализациясининг интенсивлиги (жадаллиги) кўрсаткичидир. Депенализация эса, пенализацияга тескари жараён бўлиб, декриминализациянинг элементи ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, депенализация декриминализациянинг узвий давоми эмас, чунки декриминализация қилмишнинг жиноийлигини (демакки, унинг жазога сазоворлигини ҳам) бутунлай бекор қилишда ифодаланади, яъни декриминализация бу маънода ўзига хосликка эга. Депенализация эса, жазо турларининг жазолаш имкониятининг камайтирилиши томон ўзгартирилишида, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги муайян жиноятлар учун санкция ҳажмининг пасайтирилишида намоён бўлади.

Иккинчи ёндашув, қилмишларнинг криминализация ва декриминализацияси тушунчаларини тор маънода тушуниш билан боғлиқ бўлиб, бунда Г.А.Злобин ва С.Г.Келина “криминализацияни у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг жиноят сифатидаги хуқуқий ифодаси, дея таърифлайдилар ва қилмишнинг жиноятлар тоифасидан чиқариб ташланиши, жазога сазоворлигининг бекор қилинишини эса, декриминализация”[5] деб атайдилар. Декриминализацияни А.И.Коробеев “қилмишнинг ижтимоий хавфлилигининг бекор қилиниши асосларини белгиловчи,

уларга қарши жиноят-хуқуқий курашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини қўрсатиш ва уларнинг жиноий жазога сазоворлигини бекор қилиш билан боғлиқ жараён, деб кўрсатади. У криминализацияни жиноят, деб топиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар доирасининг белгиланиши, декриминализацияни эса, у ёки бу қилмишнинг жиноятлар сафидан чиқариб ташланиши”[6], деб кўрсатади.

Криминализация ва декриминализация хусусидаги юқоридаги фикрлар таҳлилидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, криминализация қилмишнинг жиноят қонунида ижтимоий хавфли, деб топилиши ва уни жиноий жазога сазовор, деб эълон қилинишидир. Декриминализация эса, қилмишни ижтимоий хавфли эмас ва жиноий жазога сазовор эмас, деб топиш (қилмишни жиноят қонунидан чиқариб ташлаш)дир.

Декриминализацияни жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан таҳлил этадиган бўлсак, жиноий қилмишларни декриминализация қилишнинг икки асосий тури мавжуд бўлиб, булар нисбий ва мутлақ декриминализациядир. Нисбий декриминализация муайян қилмишни жиноятлар қаторидан чиқариш учун тўлиқ шарт-шароит юзага келмаган тақдирда амалга оширилади, унинг қуйидаги шакллари мавжуд:

қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қўшимча белгининг киритилиши. Масалан, қилмишни жиноят деб топишда айбнинг муайян шакли (тўғри қасд) мавжудлиги, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши, зарап етказилиши билан боғланиши;

маъмурий преюдициянинг белгиланиши (маъмурий преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга илгари худди шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг жиноят қонуни Махсус қисми тегишли моддасида белгилаб қўйилганлиги тушунилади);

қилмишни жиноят деб топишни оғирроқ оқибатнинг рўй бериши билан боғлаш;

жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси кам бўлган жиноятлар тоифасига ўтказиш;

қилмишнинг квалификациясига[7] бевосита таъсир этувчи, жиноят қонунида белгиланган муайян миқдор қўрсаткичларининг ўзгартирилиши (пасайтирилиши).

Нисбий декриминализациядан фарқли равишда, мутлақ декриминализация деганда, муайян қилмишнинг жиноятлар қаторидан тўлиқ, яъни бутунлай чиқариб ташланиши тушунилади. Бундай ҳолларда жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар (жиноят таркиби) ижтимоий зарурат туфайли мутлақ бекор қилинади.

Мутлақ декриминализацияни ҳам хусусиятига қўра икки турга ажратиш мумкин:
1) ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган, лекин ҳуқуқбузарлик белгилари бутунлай сақланиб қолган қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиб, уни маъмурий, интизомий, моддий, молиявий ёки фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган қонунларга ўтказиш; 2) ижтимоий хавфлилик хусусияти билан бир қаторда ҳуқуқбузарлик белгиларини ҳам йўқотган қилмишларни узил-кесил декриминализация қилиш. Мутлақ декриминализациянинг ушбу турида муайян турдаги ҳаракатларга нисбатан жиноят-хуқуқий тақиқ бекор қилиниб, улар қонунга хилоф бўлмаган ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

Ф. Ражабовнинг қайд этишича, декриминализация турларига “суд-тергов декриминализацияси”ни ҳам қўшиш лозим. Суд-тергов декриминализациясини амалга ошириш имконияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 65-моддаси 1-қисмida

назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ ишни тергов қилиш ва судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган, деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Мисол тариқасида, ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи Жиноят кодекси 66¹-моддасини келтириш мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, декриминализациянинг мазкур тури фақат ишни тергов қилиш ва судда кўриш пайтида қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганида, яъни содир этилган муайян қилмишга нисбатан суд-тергов органининг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори билан қўлланилади. ушбу ҳолатда жиноят қонунида қилмишнинг жиноийлиги ўзгартасдан қолади[8].

Қилмишни декриминализация қилиш амалдаги жиноят қонуни нормаларининг самарадорлиги (умуман бугунги қундаги ҳолати)ни ўрганиш ва ижтимоий хавфлилиги мавжуд бўлмаган, жиноят-хуқуқий воситаларни қўллаш орқали кураш олиб бориш самарасиз ва мақсадга мувофиқ бўлмаган қилмишларни жиноий нормалар орасидан излаб топиш ва уларни мазкур қонун нормалари қаторидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ жараён сифатида тавсифланади. Декриминализациянинг натижаси декриминализация қилинган қилмиш учун жиноий жавобгарликни бекор қилиниши ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиноий қилмишларни криминализация ёки декриминализация қилиш ўз хусусиятига кўра қатъий ҳодиса ҳисобланмайди. Зеро, жамият ва давлатдаги муайян сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ривожланиш жараёнларига боғлиқ равища жиноятлар ва жиноий жазога тортилиши мумкин бўлган қилмишлар доираси кенгайиши ёки торайиши содир бўлади. Мазкур хусусиятдан келиб чиқиб, жиноий қилмишларни криминализация ва декриминализация қилиш жараёнини динамик ҳодиса сифатида таърифлашимиз мумкин.

Л.М. Прозументов, А.В. Шеслер криминализация ва декриминализация масалалари ўрганилган манбалар ҳақида қуйидагича фикр билдирганлар, “криминализация ва декриминализация масалалари ўрганилган манбалар жиноят хуқуқи вужудга келган ва ривожланишининг дастлабки пайтларида ёк мавжуд бўлган бўлса-да, бу масалаларга юридик фанда нисбатан яқин вақтлардан бошлаб эътибор қаратилди. Маълумки, И. Бентам ва Ч. Беккария асарларида ҳам жиноят қонунининг ижтимоий моҳиятига эътибор қаратилган.

Ҳозирги вақтда криминализация ва декриминализация муаммоси у ёки бу даражада жиноят хуқуқи соҳасидаги кўплаб ишларда ўз ифодасини топмоқда, чунки уларнинг мақсади жиноят қонунини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқишидир. Жиноят-хуқуқий сиёсатнинг, амалдаги қонунларнинг мақсадга мувофиқлигини, жиноятчиликнинг ўсиш суръатларини ўрганиб, криминологлар ҳам юқоридаги муаммоларга дуч келишади”[9].

Жамият аъзолари ўз ҳаётий фаолиятлари давомида ўзаро турли-туман муносабатларга киришадилар. Зеро, ижтимоий муносабатлар ранг-баранг бўлиб, уларнинг барчаси ҳам хуқуқ нормалари (қонулар) билан тартибга солинмайди.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда хуқуқ нормаларидан кўра, ижтимоий нормалар хусусан, ахлоқ-одоб қоидалари, урф-одат нормалари билан

тартибга солиш анча самарали восита ҳисобланади. Аммо, ижтимоий норманинг ҳам маълум бир тарзда тартибга солиш заруратининг мавжудлиги сабабли, унинг муайян қисми давлат томонидан санкцияланади (давлат томонидан муайян ижтимоий муносабатнинг санкцияланishi – бу давлатнинг мазкур масалага ўз муносабатини билдиришидир. Мазкур муносабат давлат томонидан қабул қилинадиган ва мазкур ҳудудда барча учун бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади). Жиноят-ҳуқуқий тақиқларни ўрнатиш ёки уларни бекор қилишда ҳам, ҳар қандай бошқа ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишида бўлгани каби, қонун чиқарувчи муайян мезондан келиб чиқиб (қонунчилик техникасига амал қилган ҳолда) фаолият юритиши керак.

Жамият ва давлат ҳаётидаги муносабатларни кузата туриб, ҳуқуқий тартибга солишга муҳтоҷ бўлган замонавий муаммоларни кўриш билан бирга, амалдаги қонун нормаларининг қўлланилишини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланишини прогноз қилиш мумкин. Бунинг натижаси шуни кўрсатадики, ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан, нафақат тартибга солиниши лозим бўлган янги муносабатлар пайдо бўлади, балки жиноят қонуни билан тақиқланган айrim қилмишлар ўз ижтимоий хавфлийк хусусиятини йўқотиб, баъзан ижтимоий фойдали муносабатларга ҳам айланиши мумкин.

Одатда, жиноий қилмишни декриминализация қилинишига қўйидагилар асос бўлади:

- а) маълум бир жиноят-ҳуқуқий нормага шахс, жамият ва давлат томонидан эҳтиёжининг йўқолиши;
- б) маълум шароитда жиноят-ҳуқуқий норма ёрдамида муайян қилмишга қарши курашишга имкониятнинг йўқлиги;
- в) айrim жиноят-ҳуқуқий нормаларини қўлланиш самарадорлигининг пастилиги ёки самара бермаётганлиги.

Жиноий қилмишларни декриминализация қилиш асосининг алоҳида ажратиб кўрсатилиши ижтимоий ҳаётда содир бўладиган турли ҳолатлар (асосан салбий ҳолатлар) учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноий қилмишни декриминализация қилишда, декриминализация қилинаётган норма ва мавжуд жиноят-ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва тизимлийк хусусиятини бузмаслигига эътибор берилиши лозим. Ана шундагина қилмишнинг декриминализация қилиниши самарали ва мақсадга мувофиқ амалга оширилган бўлади, акс ҳолда жиноят қонунининг шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш каби вазифаларини самарали ва аниқ ҳал этишига халал берувчи тўсиқлар вужудга келиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка қарши самарали курашиш ижтимоий хавфли тус олган хатти-ҳаракат ва қилмишларга жиноий жавобгарлик ҳамда жазо белгилаб, қонун орқали таъқиб қилиш билангина чекланиб қолмайди. Яъни, жиноятчиликка қарши кураш фаолияти таъсирчан ҳодиса бўлиб, айни пайтда ижтимоий хавфлийгини йўқотган қилмишлар-нинг жиноийлигини бекор қилиш,

уларни содир этган шахсларга ижтимоий назорат чоралари ёки маъмурий ва бошқа йўсиндаги жавобгарлик чораларини белгилашни ҳам қамраб олади.

Бу жараён эса бир сўз билан айтганда декриминализация жараёни деб номланади ва давлат жиноят ҳуқуқий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади, шунингдек доимий равища қонунда ўз аксини топиб боради.

Чунки, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган қилмишни ўз вақтида декриминализация қилмаслик жамият аъзоларида норозилик кайфиятини уйғотиб, айrim ижтимоий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Професор М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, жиноят қонунчилиги ўзида жиноятчиликнинг ҳолати, ички тизими ва динамикасида юз берган ўзгаришларни акс эттириши керак[10].

Жиноят қонуни – тарихий ўзгарувчан категория, чунки ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксиз равища ривожланиши, ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг доимий равища мукаммаллашиб, ривожланиб бориши, жамият ҳаётининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан ўзгариб бориши ўз навбатида жиноят қонунчилигига ўзгаришлар юз беришига олиб келади[11].

Декриминализация тушунчасининг моҳияти ҳақида олимларнинг фикри деярли бир хил бўлиб, улар декриминализацияни қилмишнинг жиноийлигини, қилмишга нисбатан белгиланган жиноий жавобгарликни бекор қилиш акти сифатида тушундилар[12].

Шунга қарамай, баъзи муаллифларнинг ишларида бунга зид фикрлар ҳам учраб туради. Декриминализация криминализация жараёни ва натижаси-га қарама-қарши бўлиб, илгари жамият учун хавфли ва жиноий деб топилган у ёки бу қилмишлар учун жиноий жавобгарликни истисно қилиш ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий асослари ва шартларини аниқлашдир[13].

Бизнинг фикримизча, декриминализацияга берилган ушбу таърифни тўғри ва аниқ, деб бўлмайди, чунки юқоридаги таърифда муаллифлар унинг моҳиятини нотўғри талқин қилганлар.

Қилмиш учун жиноий жавобгарликни истисно қилиш тушунчаси қилмишда қонунда кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлсада, қонунчиликда белгиланган айrim ҳолатларга кўра, унинг жиноийлигини истисно қилиш ва ушбу қилмишни содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилинишини англатади.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Умумий қисми IX бобида белгиланган қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларни келтириш мумкин. Булар зарурӣ мудофаа, охирги зарурат ва буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш ва ҳ.к.лардир.

Шунингдек, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий асослари шартларини аниқлаш декриминализацияга эмас, балки депенализацияга тааллуқли ҳолат ҳисобланади.

Декриминализация атамаси қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деган маънени англаста-да унинг моҳиятини ушбу кичик жумла билан тўлиқ ифодалаб бўлмайди.

Декриминализация жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, ўзида мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараённи акс эттиради ва қўйидагиларни қамраб олади:

а) мутлақ декриминализация – ижтимоий хавфлилик хусусиятини бутунлай йўқотган қилмишларнинг жиноийлигини узил-кесил бекор қилиш ҳисобланади. Бундай қилмишлар учун лозим бўлса, маъмурий, интизомий, моддий ёки фуқаролик жавобгарлиги белгиланади. Агар мазкур қилмиш ҳуқуқбузарлик хусусиятини ҳам бутунлай йўқотган бўлса, унга бошқа енгилроқ турдаги жавобгарлик чораларини белгиламасдан ҳам декриминализация қилинади;

б) нисбий декриминализация – эски нормадан фарқли равища қилмишни жиноят, деб топиш айбнинг муайян шакли (тўғри қасд)га, ижтимоий хавфли оқибат, аниқ миқдор (анча, кўп, жуда кўп миқдор)даги зарар етказилишига боғлиқ бўлади. Бундай ҳолат мавжуд бўлганда қонунда келиб чиқсан ижтимоий хавфли оқибат ёки зарар бартараф этилиб, айбдор томонидан етказилган зарар қопланган тақдирда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши ёхуд унинг ижтимоий хавфлилик даражаси камайиши ва енгилроқ жазо тайинланиши ҳақидаги қоида белгилаб қўйилади. Шунингдек, маъмурий, интизомий преюдиция белгилаш, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра енгилроқ турига ўтказиш кабилар ҳам нисбий декриминализация таркибида киради.

Декриминализация ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий белгиларига эга бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) ижтимоий ҳаётда шарт-шароитларнинг ўзгариши билан муайян турдаги қилмишларнинг ўз жиноийлик хусусиятларини йўқотиши;
- б) давлатнинг ваколатли органи томонидан декриминализация акти қабул қилиниши орқали амалга оширилиши;
- в) халқ әрки-иродасининг ифодаси сифатида қонунда акс эттирилиши;
- г) инсонпарварлик, адолат принципларини чукур сингдирганлиги;
- д) давлат жиноят ҳуқуқий сиёсатининг муҳим йўналиши эканлиги;
- е) давлат ва жамиятнинг фуқаролар тақдирига бефарқ эмаслигини англаши;
- ё) жиноятчиликка ва жамиятдаги турли иллатларга қарши қурашишда репрессив усуслардан кўра анча самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан арzonроқ бўлган жамоатчилик назорати усусларига кенгроқ йўл очиб бериши ва ҳоказо.

Таъкидлаш лозимки, декриминализация жараёни сунъий равища амалга оширилмайди, балки ижтимоий ҳаётда рўй берган зарурий ўзгаришларнинг қонунчиликдаги инъикоси сифатида вужудга келади.

Қилмишни декриминализация қилиш учун маълум асосларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Декриминализация криминализацияга қарама-қарши жараён бўлганлиги учун шароит ўзгариши натижасида муайян бир қилмишни криминализация қилиш асосларининг бекор бўлиши уни декриминализация қилиш асосларини вужудга келтиради[14].

Қилмишни декриминализация қилишнинг умумий асослари қуйидагилар ҳисобланади:

- шароит ўзгариши натижасида қилмишнинг ўз ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши ёки ижтимоий хавфлилик даражасининг пасайиши;
- декриминализация қилинаётган қилмишга қарши қурашишда, нисбатан енгилроқ турдаги жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ёки маъмурий, фуқаролик ва молиявий,

интизомий жавобгарлик чораларини ёки жамоатчилик назорати чораларини қўллашнинг самаралироқ эканлиги, ёхуд шароит ўзгариши натижасида қилмишнинг ижтимоий фойдали, деб топилиши ҳамда унга нисбатан жиноят ҳуқуқий ва бошқа таъсир чораларини қўллашнинг ўз аҳамиятини йўқотиши.

Декриминализациянинг бу икки асоси унинг ҳуқуқий-криминологик асослари бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғлиқликда юзага келади.

Юқоридагилардан ташқари, қилмишни декриминализация қилишнинг ижтимоий-иктисодий ва ижтимоий-психологик асослари ҳам мавжуд.

Жамиятда мавжуд ижтимоий ва иктисодий муносабатларда шарт-шароитнинг ўзгариши юқоридаги ҳуқуқий-криминологик асосларнинг юзага келишига замин яратади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси сабиқ тоталитар тузум даврида хукмронлик қилган маъмурий буйруқбозлик тизимидан халос бўлиб, бозор муносабатларига асосланган иктисодий тизимга ўтиши сабабли ўша даврда жиноят, деб ҳисобланган қўплаб қилмишлар декриминализация қилинди.

Ижтимоий-психологик асос декриминализация қилиниши кутилаётган қилмишларга нисбатан бўлган муносабатларда аҳоли руҳиятида ижобий ёндашувларнинг шаклланишида ифодаланади.

Декриминализациянинг юқорида санаб ўтилган асослари ичida қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти йўқолиши ёки ижтимоий хавфлилик хусусиятининг пасайиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги деганда, унинг қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқариши тушунилади. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилик белгиси унинг сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

Жамият ривожланишининг муайян босқичида бу кўрсаткичда ўзгаришларнинг юз бериши ва ушбу ўзгаришларнинг қонун чиқарувчи орган томонидан тўғри баҳоланиши, қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ёки декриминализация қилиш учун ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди.

Бу ҳақда М. Усмоалиев, «Айнан қилмишнинг сифат кўрсаткичи уни жиноят деб ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик масаласини аниқлаб беради»[15], деб тўғри таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасида ҳам ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбli ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб топилиши кўрсатилган.

Қонуннинг мазкур талабидан шуни тушуниш лозимки, қилмишнинг ўз ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши, унинг жиноят қонуни билан тақиқланишини бекор қилишга ҳам олиб келиши лозим.

Муайян турдаги қилмишни декриминализация қилишга олиб келувчи шароитнинг ўзгаришига асосан қуйидаги омиллар (факторлар) сабаб бўлади:

1. Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар;
2. Табиат ҳодисаларининг содир бўлиши;
3. Қонун хужжатларининг ўзгартирилиши.

Мазкур омилларнинг содир бўлиши шароитнинг ўзгаришига ва декриминализация асосларининг юзага келишига омил бўлиб хизмат қиласди.

Маълумки, барча ижтимоий ҳодисалар маълум бир қонуниятлар, принциплар асосида амалга оширилади.

Шу жумладан, декриминализация ҳам ижтимоий-хуқуқий жараён сифатида ўз мазмун-моҳиятига мос равища муайян принциплар асосида амалга оширилади.

Унинг принциплари жиноят хуқуқи ва жиноят хуқуқий сиёsat принципларига жуда яқин бўлсада, лекин декриминализациянинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улардан бироз фарқ қиласди.

Декриминализация жараёнида унинг қўйидаги асосий принциплари амалда бўлади:

- 1) ижтимоий зарурат принципи;
- 2) қонунийлик принципи;
- 3) инсонпарварлик принципи;
- 4) одиллик принципи;
- 5) тенглик принципи;
- 6) декриминализациянинг муқаррарлиги принципи.

Ижтимоий зарурат принципи декриминализациянинг бош асоси – ижтимоий шарт-шароитнинг ўзгариши оқибатида қилмишнинг ижтимоий хавфилиги йўқолиши ёки ижтимоий хавфилик даражасининг пасайишини англаради.

Қонунийлик принципига кўра қилмишнинг жиноийлиги бекор қилингани фақат жиноят қонунида акс этган тақдирдагина декриминализация қонуний кучга эга бўлади. Чунки, Жиноят кодекси 4-моддасига мувофиқ қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа хуқуқий оқибатлари фақат ушбу Кодекс билан белгиланади.

Инсонпарварлик принципига мувофиқ муайян турдаги қилмишни содир этган шахсларга нисбатан, улар содир этган қилмишларининг ижтимоий хавфилик даражаси камлиги туфайли ва уларни ахлоқан тузатиш ва келгусида янги хуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олиш учун жиноят хуқуқий таъсир чораларидан кўра енгилроқ турдаги жавобгарлик чоралари қўлланилиши самаралироқ бўлса, бундай қилмишлар тегишлича декриминализация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида белгиланган одиллик принципига асосан айбдор шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа хуқуқий таъсир чораси қилмишнинг оғир-енгиллигига, айб ва шахснинг ижтимоий хавфилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Қилмишнинг оғир ёки енгиллиги унинг ижтимоий хавфилик даражасига боғлиқ бўлади. Айни пайтда ижтимоий хавфилик даражаси мавжуд бўлмаган қилмиш учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди ва у декриминализация қилиниши лозим.

Тенглик принципига мувофиқ қилмиш, унинг тоифасидан қатъий назар ўз ижтимоий хавфилигини йўқотганда ёки ижтимоий хавфилик даражаси пасайганда тегишлича декриминализация қилиниши зарур.

Декриминализациянинг муқаррарлиги принципи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 10-моддасида белгиланган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қарама-қарши тарзда ҳар қандай қилмиш ўз ижтимоий хавфилигини йўқотганда ёки ижтимоий хавфилик даражаси пасайганда тегишинча декриминализация қилиниши шартлигини белгилайди.

Қилмишнинг жинойлигини бекор қилиш тегишли ваколатга эга бўлган давлат органи томонидан декриминализация актини қабул қилиши орқали амалга оширилади.

Декриминализация акти мамлакат жиноят қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жиноят қонунини ўз кучини йўқотган, деб топиш тўғрисидаги қонун кўринишида бўлиши мумкин.

Декриминализация акти жиноят қонунининг бланкет диспозицияли моддасида ҳавола қилинган қонун хужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ушбу қонун хужжатини бекор қилиш кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш натижасида илгари Жиноят кодексининг 189-моддаси билан квалификация қилинган айrim қилмишларнинг декриминализация қилинишига олиб келиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, декриминализация акти криминализация актига нисбатан кенгроқ доирада амал қиласди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси 2-қисмига мувофиқ қилмишнинг жинойлигини бекор қиласдиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлади.

Ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмишни содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан ҳам, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар қўлланилади.

Жиноят қонунида белгиланган мазкур қоида декриминализациянинг кенг қамровли эканлиги ва ўзида инсонпарварлик, адолат принципларини чуқур сингдирганлигидан далолат беради.

Г.В. Крылов декриминализация муайян турдаги ижтимоий хавфли қилмишларни жиноятлар доирасидан чиқариш билан чекланиб қолмай, балки жиноятчиликка қарши курашда ҳам амалий аҳамиятига эга эканлигини таъкидлайди. Жумладан, айrim турдаги қилмишларнинг декриминализация қилиниши хуқуқни муҳофаза қилувчи органларини муайян миқдордаги шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мажбуриятидан озод қилиб, жиддий турдаги (оғир ва ўта оғир) жиноятларга қарши ўз вақтида ва самарали кураш олиб боришилари учун шароит яратади[16].

Бизнингча, мазкур ҳолатда юқоридаги муаллифнинг фикрига қўшилиш лозим. Бироқ декриминализациянинг амалий аҳамияти бу билан чекланиб қолмайди. Декриминализация фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёки хавфлилик даражаси пасайган қилмишни ўз вақтида декриминализация қилиш, инсонларнинг асоссиз равишда жиноий жавобгарликка ёки оғир жазога тортилишининг олдини олиб, уларда қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиради ва келгусида янги жиноятлар содир этмасликларига ижобий туртки бўлади.

Энг муҳими, ижтимоий хавфлилигини йўқотган, айrim ҳолатларда ижтимоий фойдали ҳаракатга айланган қилмишларнинг ўз вақтида жиноят қонунидан чиқарилиши ва уларга нисбатан жиноят-хуқуқий тақиқнинг бекор қилиниши шу турдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, чайқовчилик 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган ЎзССР Жиноят кодексига асосан ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳолангандан унга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган эди.

Лекин, 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллиги эълон қилиниб, мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига асосланиши маълум бўлганидан сўнг чайқовчилик ижтимоий фойдали ҳаракатга айланди. Унинг ўз вақтида декриминализация қилиниши эса бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири бўлган эркин тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига олиб келди.

Илмий адабиётларда декриминализациянинг асосан икки тури ҳақида фикр юритилади. Булар декриминализациянинг хуқуқий оқибатларига кўра нисбий ва мутлақ турларидир.

Бундан ташқари, декриминализация жиноят-хуқуқий сиёсатнинг шаклларига кўра хуқуқ ижодкорлигидаги ва қонунни қўллашдаги декриминализацияга ҳам ажратилади.

Хуқуқ ижодкорлигидаги декриминализация тури давлат ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш жараёнида рўй беради. Декриминализациянинг мазкур шакли қонун чиқарувчи орган томонидан декриминализация акти қўринишидаги қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши орқали амалга оширилади [17].

Албатта, қонунни қўллашдаги декриминализация тушунчасига берилган мазкур таърифни ҳақиқатга тўғри келади, деб бўлмайди. Бу ерда ушбу фикр муаллифлари декриминализацияга бошида тўғри изоҳ берган бўлишса-да, кейинчалик уни депенализация институти билан чалкаштириб юборганлар.

Бизнингча, декриминализация институтини бундай чалкаш тарзда ифодалаб бўлмайди. Чунки декриминализация ва депенализация бир-бирига моҳиятан яқин тушунчалар бўлса ҳам бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Жумладан, ҳар иккисида ҳам қилмиш учун жавобгарлик ва жазодан озод қилиш ҳолати юзага келади. Лекин, декриминализация қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиниши ҳисобига жавобгарлик ва жазодан озод қилса, депенализация қилмишнинг жиноийлигини бекор қилмасдан муайян ҳолатлар мавжудлиги муносабати билан шахсни жавобгарлик ва жазодан озод қиласди. Масалан, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан шахс жиноий жавобгарликтан озод қилинади, лекин ушбу депенализация ҳолатида қилмишнинг жиноийлиги бекор қилинмайди.

Қонунни қўллашдаги декриминализация эса суд-тергов декриминализацияси қўринишида амалга оширилиб, суд-тергов органларининг жиноят қонуни нормаларини амалиётга татбиқ этишлари шаклида ифодаланади. Биз бу ҳақида кейинги параграфда атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Фикримизча, декриминализациянинг мазмун-моҳиятини янада тўлароқ очиш мақсадида уни яна икки турга ажратишни мақсадга мувофиқ. Булар бевосита ва билвосита декриминализация турлари ҳисобланади.

Декриминализациянинг ушбу икки тури Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари диспозицияларининг турларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозицияси тўрт турга ажратилган бўлиб, булар:

- оддий диспозиция;
- тасвирловчи диспозиция;
- ҳаволаки диспозиция;
- бланкет диспозиция[18].

Диспозициянинг дастлабки учта турида жиноятнинг таърифи, унинг асосий белгилари жиноят қонунининг ўзида кўрсатилади.

Бланкет диспозицияда эса жиноят таърифланмай ёки унинг белгилари кўрсатилмай, бошқа қонун ҳужжати талаблари бузилганлиги белгиланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси бланкет диспозицияли бўлиб, унда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда қайси ҳаракатлар натижасида жиноят қонунида кўрсатилган оқибат юз берса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларида белгиланади.

М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, бузилиши жиноят ҳисобланадиган, хулқ-автор ва ҳаракатларнинг маълум қоидалари (масалан, махфий ҳужжатлар билан иш юритиш қоидалари, ветеринария ёки зоология қоидалари, ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш қоидалари ва бошқалар) жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжати сифатида тан олиниши мумкин эмас. Мазкур ҳужжатларда бланкет кўринишидаги муайян жиноят ҳуқуқий меъёрнинг тутган ўрни ва мазмuni батафсилроқ акс этади, бироқ унга хос бўлган диспозиция ва жазо фақат Жиноят кодексида мавжуд бўлади[19].

Лекин, шунга қарамай содир этилиши жиҳатидан қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва шу билан бирга жиноий жазонинг қаттиқлиги, оқибатлари кўрсатиб ўтилган қоидаларнинг бузилиши натижасидан келиб чиққан-чиқмаганлигини аниқлаш лозимлиги сабабли жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи мазкур қонун ҳужжатларига нисбатан ҳам амал қиласди[20].

Демак, муаллифнинг мазкур фикрига қўшилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, жиноят қонуни тегишли моддаси бланкет диспозициясида ҳавола қилинган қонун ҳужжатига ўзgartiriш киритилиши ёки ушбу ҳужжатнинг бекор қилиниши ҳам муайян турдаги қилмишнинг декриминализация қилиниши учун асос бўлиши мумкин. Бевосита турида декриминализация жиноят қонунига тўғридан-тўғри ўзgartiriш ва қўшимча киритиш ёки жиноят қонунининг бирор-бир нормасини бекор қилиш орқали амалга оширилади.

Бевосита декриминализация умумий ва маҳсус шаклда амалга оширилиши мумкин. Бевосита декриминализациянинг умумий шаклида жиноят қонуни Умумий қисмининг тегишли нормаларига ёки жиноят қонуни асосий атамаларининг мазмунига ўзgartiriш ва қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш оқибатида декриминализация ушбу норманинг таъсир доирасига кирувчи барча жиноятларга нисбатан амал қиласди.

Маҳсус декриминализация аниқ ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан амал қилиб, унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган тегишли моддага ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилади ёки ушбу модда жиноят қонунидан чиқарилади.

Билвосита декриминализация тўғридан-тўғри жиноят қонунига эмас, балки унинг тегишли моддаси бланкет диспозициясида ҳавола қилинган бошқа қонун хужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ушбу қонун хужжатини кучини йўқотган, деб топиш шаклида амалга оширилади.

Юқоридагилардан ташқари, ҳуқуқий оқибатларига кўра декриминализациянинг яна икки турини қўрсатиш мумкин. Булар аниқ (мақсадли) декриминализация ва ва мавҳум (абстракт) декриминализация турларидир.

Аниқ декриминализацияда муайян турдаги ижтимоий хавфли қилмиш ёки шундай қилмишлар грухи декриминализация қилинади. Бунда қонун чиқарувчи томонидан қабул қилинган декриминализация актида қайси қилмишнинг ёки қилмишлар грухининг декриминализация қилингани аниқ акс этган бўлади.

Декриминализациянинг абстракт турида қонун чиқарувчидаги муайян қилмишни ёки қилмишлар грухини декриминализация қилиш мақсади бўлмаса-да, лекин унинг томонидан қабул қилинган қонун хужжати таъсирида маълум доирадаги қилмишлар ижтимоий хавфли эмас деб топилади ёки хавфлилик даражасига кўра жиноятларнинг қуи тоифасига ўтказилиши мумкин.

Юқорида айтилганидек, декриминализациянинг асосий қўринишлари бу – нисбий ва мутлақ декриминализация турлари ҳисобланади.

Нисбий декриминализация муайян қилмишни жиноятлар қаторидан чиқариш учун тўлиқ шарт-шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Нисбий декриминализациянинг айни пайтда қуидаги шакллари мавжуд:

а) қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қўшимча белгининг киритилиши. Масалан, қилмишни жиноят деб топишни айбнинг муайян шакли (тўғри қасд) мавжудлиги, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши, зарар етказилиши билан боғлаб қўйиши;

б) маъмурий ёки интизомий преюдицияни белгилаш (маъмурий (ёки интизомий) преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга илгари ҳам шундай қилмиши учун маъмурий (ёки интизомий) жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг жиноят қонуни Maxsus қисми тегишли моддасида белгилаб қўйилиши тушунилади. Бу ҳолатда шуни эътиборга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ башарти маъмурий жазога тортилган шахс, шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади. Маъмурий преюдицияни қўллаш жараёнида ушбу қоидани инобатга олиш лозим);

в) қилмишни жиноят деб топишни янада оғирроқ оқибат билан боғлаш;

г) жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ бўлган жиноятлар тоифасига ўтказиш.

Нисбий декриминализациядан фарқли равишда мутлақ декриминализация деганда, муайян қилмишнинг жиноятлар қаторидан тўлиқ, яъни бутунлай чиқариб ташланишини тушунилиши лозим. Бунда жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар йиғиндиси (жиноят таркиби) ижтимоий зарурият туфайли мутлақо бекор қилинади[21].

Мутлақ декриминализация ҳам нисбий декриминализациядан фарқли равища ўз хусусиятига кўра икки шаклга ажратилади. Улар қуидагилар ҳисобланади:

а) ижтимоий хавфлилик хусусиятини бутунлай йўқотган, лекин хуқуқбузарлик белгилари сақланиб қолган қилмишларнинг жиноийлигини бекор қилиб, уларни маъмурий, интизомий, моддий, молиявий ёки фуқаролик хуқуқий жавобгарлик тураси. Ушбу вазифани мантиқан тўғри ҳал этиш, декриминализация қилинган хуқуқбузарликка қарши самарали қурашишнинг гарови ҳисобланади.);

б) ижтимоий хавфлилик хусусияти билан биргаликда хуқуқбузарлик белгиларини ҳам йўқотган қилмишларни узил-кесил декриминализация қилиш.

Мутлақ декриминализациянинг иккинчи турида муайян турдаги ҳаракатларга нисбатан жиноят-хуқуқий тақиқ бекор қилиниб, улар қонунга хилоф бўлмаган ҳаракатлар сифатида баҳоланади[22].

Жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасида бир қатор жиноятлар декриминализация қилинмоқда, айрим ҳаракатлар учун эса янги жиноий жавобгарликлар жорий қилинмоқда.

Лойиҳада қуидаги жиноятларни декриминализация қилиш (жиноятлар сафидан чиқариб ташлаш) назарда тутилмоқда:

- соҳта тадбиркорлик (179-модда);
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (183-модда);
- савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (189-модда);
- қонунга хилоф равища ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш (191-модда);
- рақобатчини обрўсизлантириш (192-модда);
- диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (216-2-модда);
- жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик (221-модда);
- ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (225-модда);
- диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш (229-2-модда);
- диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш (244-3-модда) [23].

Биз хулоса ўрнида декриминализациянинг тадқиқот олиб бориш жараёнида аниқланган турларини қуидагича таснифлашни лозим, деб билдиқ:

1. Хуқуқий оқибатларига кўра мутлақ, нисбий, аниқ ва абстракт декриминализация турлари;
2. Жиноят-хуқуқий сиёсатнинг шаклларига кўра хуқуқ ижодкорлигидаги ва қонунни қўллашдаги декриминализация (суд-тергов декриминализацияси)турлари;
3. Қилмишнинг жиноийлигига таъсир этиш шаклига кўра бевосита ва билвосита декриминализация турлари. Айни вақтда бевосита декриминализация умумий ва маҳсус декриминализация кўринишида бўлади.

Декриминализацияни бундай тарзда турларга ажратиш ва таснифлаш ўзининг назарий ҳамда амалий аҳамиятига эга. Биринчидан, декриминализацияни турларга ажратиш унинг мазмун ва моҳиятини тўла-тўқис очиб беришга, унинг аниқроқ

тушуниш ва чуқурроқ идрок этишга хизмат қиласи. Иккинчидан, қонунни қўллаш амалиётида декриминализация актларининг тўғри ва самарали қўлланиши учун замин яратади. Ўз навбатида жиноят қонунини қўллаш амалиётида декриминализация институтини қўллашда учраётган хато ва камчиликларнинг олди олинади.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмидаги айrim моддаларни декриминализация қилиш масалаларига келсақ, бугунга қадар юртимиизда жиноий қилмишларни декриминализация қилиш бўйича амалга оширилган ўзгартиришлар етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Ушбу соҳада жиноий қилмишлар декриминализация қилишни давом эттирган ҳолда, яна қатор ўзгартиш ва қўшимчалар амалга оширилиши лозим. Бу борада жиноят қонуни билан тартибга солинадиган муносабатларни таҳлил қиладиган бўлсак, назарий жиҳатдан, қилмишларни декриминализация қилишни қуйидаги йўналишларда олиб бориш имконияти мавжуд бўлиб, булар:

1) маъмурий преюдицияга эга бўлган қилмишларни ЖҚдан чиқариш (маъмурий преюдицияга эга бўлган жиноятларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказиш билан Жиноят кодексини янада либераллаштиришга эришиш мумкин. Бу нафақат қонун талабларини бузган кишини жиноий жавобгарликка тортмаслик ва унга “жиноятчи” тамғасини босмаслик имкониятини беради, балки иқтисодий таъсир чорасини янада кенгроқ қўллашга хизмат қиласи);

2) Конституция ва халқаро Конвенциялар нормаларида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган бўлса, амалдаги жиноят қонунларидан амалиётда кам учрайдиган ёхуд суд статистикасида умуман қайд қилинмаган қилмишларни, жиноий таъқибга лойиқ қилмишлар тоифасидан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

3) жамият аъзолари томонидан жиноий қилмиш сифатида тан олинмайдиган ва ахлоқ нуқтаи-назардан қораланмайдиган қилмишларни жиноий қилмишлар қаторидан чиқариш;

4) ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш ва уларни жиноий қилмишлар қаторидан чиқариш;

5) жиноий жавобгарликка лойиқ қилмишлар доирасини мақсадга мувофиқ равишда қисқартириш учун бланкет диспозицияли нормаларни таҳлил қилиш ва барча қонун ва қонун ости ҳужжатларини танқидий ўрганиб чиқиш;

6) умумий нормалар билан қамраб олинган алоҳида ҳолатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар доирасини қисқартириш;

7) рақобат қилувчи нормалар турларини камайтириш;

8) ЖҚдан коллизиявий нормаларини чиқарип ташлаш;

9) жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жиноий жавобгарликни истисно қилиш;

10) бугунги кунда дунёning кўплаб демократик давлатлари жиноят қонунчилигига акс эттирилган, ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган моддалар доирасини янада кенгайтириш ва уларнинг таркибига барча ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар тоифасини киритиши;

11) жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётидан келиб чиқиб, қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар доирасини кенгайтиришдан иборатdir.

Албатта, юқорида санаб ўтилган жиноий қилмишларни декриминализация қилиш йўналишлари назарий аҳамиятга эга бўлиб, улар турли давлатлар ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ўзаро узвий боғлиқdir.

Жиноятчиликка қарши фаол ҳамда самарали кураш олиб бориш барча замонларда жамият ва давлатнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ражабов Ф. Декриминализация – инсон ҳуқуқлари демақдир. Мақола.
nuqquvaburch.uz/uz/view/28*9
2. Прозументов Л. М., Шеслер А. В. Криминология (Общая часть). – Томск, 2023. - С 238.
3. Галиакбаров Р.Р. Проблемы криминализации многосубъектных общественно опасных деяний //Актуальные проблемы криминализации и декриминализации общественно опасных деяний: Сборник научных трудов. - Омск, 2022. - С. 40-41.
4. Основания уголовно-правового запрета: криминализация и декриминализация / Под ред. В.Н. Кудрявцева, А.М. Яковleva. - М.: Наука. 1982. - С. 17.
5. Злобин Г.А., Келина С.Г. Некоторые теоретические вопросы криминализации общественно опасных деяний. // Проблемы правосудия и уголовного права. – М, 2021. - С. 108.
6. Коробеев А.И. Уголовно-правовая политика: проблемы криминализации и пенализации. - Владивосток, 2020. - С. 59.
7. Жиноятларни квалификация қилиш – бу содир этилган қилмиш белгилари билан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир (Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 824 б.) – Б.17.
8. Ражабов Ф. Декриминализация – инсон ҳуқуқлари демақдир. Мақола.
nuqquvaburch.uz/uz/view/28*9.
9. Прозументов Л. М., Шеслер А. В., Криминология (Общая часть) - Томск , 2023. - С 238.
10. Рустамбоев М.Х. Жиноят қонунчилигида жазоларни адолатли белгилаш. // Давлат ва ҳуқуқ. 2000, №-1.- Б. 44.
11. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005, - Б. 37.
12. Шаблинская Диана Викторовна Декриминализация преступлений как инструмент декриминализации экономики // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2021. №1 (31). URL:
<https://cyberleninka.ru/article/n/dekriminalizatsiya-prestupleniy-kak-instrument-dekriminalizatsii-ekonomiki> (дата обращения: 22.11.2024).
13. Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005, - Б. 34.
14. Яковлева Ольга Алексеевна Принципы уголовно-правовой политики и ее соотношение с уголовным правом // Legal Concept. 2015. №3. URL:
<https://cyberleninka.ru/article/n/printsy-ugolovno-pravovoy-politiki-i-ee-sootnoshenie-s-ugolovnym-pravom>(дата обращения: 22.11.2024).
15. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуки (Умумий қисм). Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005, - Б. 69.

16. Антонов А.Д. Теоретические основы криминализации и декриминализации : автореф. дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / А.Д. Антонов. – Москва, 2001. – 29 с.
17. Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳукуқи (Умумий қисм). Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005, - Б. 35.
18. Усмоналиев М. Жиноят ҳукуқи (Умумий қисм). Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005, - Б. 44.; Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳукуқи (Умумий қисм). Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005, - Б. 72.
19. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Умумий қисм). Тошкент, «ILM ZIYO». 2006, - Б. 16.
20. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Умумий қисм). Тошкент, «ILM ZIYO». 2006, - Б. 64-65.
21. Зыков, Д. А. Понятие, основания и принципы криминализации и декриминализации деяний / Д. А. Зыков, А. В. Шеслер // Вестник Владимира юридического института. - 2013. - № 1(26). - С. 85-90.
22. Нечаев А.Д. Концептуальные основы и теоретическое моделирование криминализации и декриминализации : автореф. дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / А.Д. Нечаев. – Саратов, 2017. – 33 с
23. ЖК лойиҳасида бир қатор жиноятларни чиқариб ташлаш ва айрим ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда/ <https://kun.uz/kr/08844755>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

Nº 12 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb
muammolari” elektron jurnali**
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli
guvohnoma bilan davlat ro’yxatiga olingan.
Muassis: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
mas’uliyati cheklangan jamiyati

Tahririyat manzili:
100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy
tumani, Kichik Beshyog’och ko’chasi,
70/10-uy. Elektron manzil:
scienceproblems.uz@gmail.com
Bog’lanish uchun telefonlar:
(99) 602-09-84 (telegram).